


2022 апрель



**Аҳоли ва тадбиркорлик
субъектларининг
инфляцион кутилмалари
шарҳи**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки


Тошкент 2022 йил

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляциян кутилмалари шарҳи 2022 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИ

Аҳолининг инфляциян кутилмалари

Апрель ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича аҳоли вакилларининг **инфляциян кутилмалари**¹ пасаювчи динамикани кўрсатиб, **14,2 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати² **11,4 фоизни** ташкил этди (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляциян кутилмалари динамикаси, (фоизда)




Инфляциян кутилмалар медиана кўрсаткичининг апрель ойида ўтган ойга нисбатан пасайишига инфляцияни юқори кутаётган респондентлар улуши камайиб бориши билан изоҳлаш мумкин (2-расм).

¹ **Инфляциян кутилмалар** – инфляциян кутилмаларнинг турли гуруҳлари бўйича мос жавобни белгиланган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йиғиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртача тортилган кўрсаткич).

² Инфляциян кутилмаларнинг **медиана қиймати** – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймат.

2-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **импорт товарлари ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари**, шунингдек, **ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши** (*мос равишда 53 ва 23 фоиз*), **нархларнинг сунъий оширилиши** (*34 фоиз*) респондентлар томонидан таъкидланган (*3-расм*). Шунини қайд этиш жоизки, ушбу ойда аҳолининг девальвацион кутилмаларида ҳам (*54 фоиздан 43 фоизгача*) пасайиш кузатилди.


3-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)



Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари



Жорий йилнинг апрель ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича бизнес вакилларининг **инфляцион кутилмалари** ўтган ойга нисбатан 0,9 фоизга камайиб, **14,5 фоизни** ташкил этди. Медиана қиймати эса **11,9 фоиз** атрофида шаклланди (4-расм).

4-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)




Апрель ойида ҳам тадбиркорлик субъектларининг кўпчилик қисми инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишмоқда (5-расм).

5-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимооти (респондентларнинг сони)



Тадбиркорлар келгуси 12 ойда нархлар ошишига **валюта курсининг қадрсизланиши (41 фоиз), ёқилғи ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши (37 фоиз), ҳамда иш ҳақи ва нафақаларнинг оширилиши (21 фоиз)** каби омиллар таъсир этиши мумкинлигини таъкидлашди (6-расм).

6-расм. Инфляциян кутилмаларнинг асосий омиллари
(респондентларнинг улуши, фоизда)



Шунингдек, **хомашё ва бутловчи қисмларнинг қимматлашиши ҳамда тижорий бино ва ижара тўловларининг ошишини** кутаётган тадбиркорларнинг улуши ўтган ойга нисбатан пасайган.